



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIOVIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (71) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (71)

2024

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 618.14–006.3.04–091.8

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АЁЛЛАРИ ОРАСИДАГИ БАЧАДОН МЕЗЕНХИМАЛ ЎСМАЛАРИНИНГ УЧРАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

¹У.А. Каландарова Email: QalandarovaU@mail.ru

²Б.С. Юлдашев Email: YuldashevB@mail.ru

¹Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²“Маъмун университети” Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ховуз 2.
тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

Ўзбекистон республикаси онкология илмий -амалий маркази Хоразм филиалида бачадон мезенхимал ўсмалари диагнози билан даволанган 136 нафар беморнинг касаллигига оид материаллар ёш ва ҳудудлар бўйича таҳлил қилинди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики ёшон сифатли ўсмалар бўйича беморларнинг кўпчилиги қисмини Урганч шаҳри 24% аёллари эгаллашган бўлса, қолган туманларда бу кўрсаткич 9% ни ташкил этди. Ёш гуруҳлари бўйича устунлик 50-64 ёшлар орасида кузатилади. Касалликнинг учраш миқдори туманлар катта-кичиклиги ва аҳоли сонига боғлиқ бўлмаган.

Калит сўзлар: бачадон мезенхимал ўсмалари, ҳудудлар, аҳоли, ёш.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКАЯ И МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МЕЗЕНХИМАЛЬНЫХ ОПУХОЛЕЙ МАТКИ

У.А.Каландарова¹, Б.С.Юлдашев²

¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область,
город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2.
тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

Проанализированы материалы 136 пациенток, находящихся на лечении с диагнозом мезенхимальные опухоли матки в Хорезмском филиале онкологического научно-практического центра Республики Узбекистан, материал был проанализирован по возрасту и по региону. Полученные результаты показали, что больше всего больных с опухолями низкой дифференцировки наблюдалось у больных города Ургенча - 24%, а в других районах частота составляет - 9%. По возрастным группам большинство больных наблюдалось среди 50-64-возрастных групп. Количество наблюдаемых больных не зависело от количества населения проживающих в регионах.

Ключевые слова: мезенхимальные опухоли матки, регионы, популяция, возраст.

PATHOMORPHOLOGICAL AND MOLECULAR GENETIC CHARACTERISTICS OF UTERINE MESENCHYMAL TUMORS

U.A. Kalandarova¹, B.S. Yuldashev²

¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city,
Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²“Mamun University” Uzbekistan Khorazm region, Khiva, Bol-govuz 2.
Tel: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Resume

Materials on the disease of 136 patients undergoing treatment with a diagnosis of mesenchymal tumors of the uterus in the Khorezm branch of the Oncology Scientific and Practical Center of the Republic of Uzbekistan, by age and region, were analyzed. The results obtained showed that the majority of patients with low-quality tumors are in the city of Urgench - 24% and in other areas - 9%. By age group, the majority was observed among 50-64 year olds. The size of these districts does not depend on the number of residents.

Key words: mesenchymal tumors of the uterus, regions, population, age.

Долзарблиги

Хозирги замон тиббиётининг энг долзарб муаммоларидан бири бу аёллар орасида кўп учраётган онкологик муаммолар ҳисобланади. Онкологик касалликларни ўз вақтида аниқлаш, уларни даволашдаги энг оптимал ечим саналади, чунки ўсмаларнинг эрта даврларида аниқланиши метастазлар тарқалишининг олдини олиб, даволаш тактикаси тўғри ўтказиладиган бўлса, беморларнинг тўлиқ даволанишини таъминлайди.

Хозирги замон адабиётларида бу касалликнинг полиэтиологик характерга эгаллиги ва иқлим шароитларига, аҳолининг турмуш тарзига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд. Ёмон сифатли ўсмаларнинг юқори хавфлилиги метастазланиши тенденцияси аниқланган. (Непомнящих Л.М. ва бошқалар, 2000; Juk A.G. ва бошқалар, 2005; Fong K. ва бошқалар, 1997). Беморларнинг кўпчилигида ёмон сифатли ўсмалар кеч ташхис қилинади, чунки аёллар ўз вақтида шифокорга мурожат қилишмайди. Асосий шикоятлари қон кетиш ва оғриқ синдроми билан мурожат қилишади.

Бу касалликнинг юзага келиши сабабларидан бири шубҳасиз яллиғланиш, гормонал ўзгаришлардир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак экологик ноқулай оролбўйи ҳудуди Хоразм вилояти аҳолиси орасида бачадон саратонининг ривожланиш омиллари, яшаш тарзи ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмасликни ва анемия сабабли иммун системаси сусайишига кизиқиш туғдиради, чунки бачадон флорасини ўзгариши ва шикастланишига ўз таъсирини ўтказиши эътирозсиз фактлардан биридир.

Илмий ишнинг мақсади: бачадон мезенхимал ўсмаларининг патоморфологик ва молекуляр генетик хусусиятларини ўрганиш, унинг ташхиси, таснифи ва даволаш стратегиясини танлашни оптималлаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишда иборат бўлади.

Материал ва усуллар

Тадқиқот материали бўлиб Республика онкология илмий -амалий маркази Хоразм филиалида 2010-2023 -йилларда диспансер ҳисобида турган ва даволанишда бўлган беморларнинг амбулатор карталари, касаллик тарихлари, беморларни клиник текширувлардан ўтказиш натижалари, шунингдек операциялар вақтида олинган макропрепаратларни ва улардан тайёрланган микропрепаратларни текшириш натижалари олинди.

Натижа ва таҳлиллар


Хоразм вилоятида 2010-2023 йиллар давомида 136 нафар бемор бачадон мезенхимал ўсмалари касаллиги бўйича диспансер ҳисобида туриб даволанган. Уларнинг 102 нафарини яхши сифатлилар (75,%) 34 нафарини ёмон сифатли ўсма (25%) ташкил қилади. Шулардан ёмон сифатли ўсмалар аниқланганлардан 8 нафари - 24% Урганч шаҳар ва туманидан, 9 нафари - 27% Хонка туманидан, қолган туманларда 5% ни ташкил этди. Яхши сифатли ўсмалардан Урганч шаҳридан 34 нафари - 33%, тумандан 29 нафари - 28%, Хозарасп туманидан 12 нафари - 11%, Қўшқўпир туманидан 11 нафари - 10% аниқланди.

Буларни ёшлар гуруҳларига тақсимланганда яхши сифатли ўсма 18-44 ёш гуруҳида фақатгина бир ҳолатда касаллик кузатишган 22 - нафар (21%), 45-59 ёш гуруҳида жами 65 нафар бемор кузатилиб (63%) ни ташкил қилиб, бу гуруҳда касалланиш аёллар орасида кўп кузатишди, Қарилик ёшидаги 60-74 ёшдаги гуруҳда эса беморлар сони 15 нафарни (14%) ташкил қилган, касалланиш бироз камайган. Жадвал 1.

Жадвал 1.

Жинси	18-44 ёш		45-59 ёш		60-74 ёш	
Яхши сифатли	22	21%	65	637%	15	14,%
Ёмон сифатли	4	12%	12	36%	17	51%

1-расм:




Касалликнинг ўрта ёшдаги ва катта ёшли аҳоли орасида кўп учрашини ва бу категориядаги инсонлар орасида кўплаб сурункали касалликлар, гормонал ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолдаги пролифератив жараёнларнинг кўп миқдорда кузатилиши билан изоҳлаш мумкин бўлса, ёш ўтган сари касалликнинг камайиб боришини беморларнинг шу касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмиши билан тушунтириш мумкин.

Мезенхимал ўсмаларнинг Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича учраши таҳлили шуни кўрсатдики касалликнинг юзага келиш ҳолатлари аҳоли сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган, масалан аҳоли сони жиҳатидан кам бўлган ёмон сифатлилар Янгиариқ туманида 3 та ҳолат (9%), Гурлан туманида 3 та ҳолат (9%) га нисбатан касалликнинг учраши 4 баравардан кўпроқ миқдорда кузатилган. Касалликнинг энг кўп учраш миқдори Урганч шаҳри аҳолисида 8 та ҳолат - 24,%, ва Хонка туман аҳолисида 9 та ҳолат – 27%, фаркли ўлароқ аёлларда кўпроқ кузатилган 10 та ҳолат, Янгиариқ туманида 3 та ҳолат (12,6%), Хива туманида 3 ҳолат (9%), Боғот, Янгибозор туманларида 2 та ҳолатдан Тупроққала, Гурлан туманларида 3 та ҳолат. Юқори кўрсаткичга эга бўлган иккала ҳудуддаги касалланишни бошқа ҳудудларга қараганда кўпроқ саноат комплексларини ўз ичига олганлиги билан боғлаш мумкин. (жадвал 2).

Жадвал 2.

Ҳудудлар	Абсолют сонда	Фоизларда
Урганч шаҳар	8	24%
Хазорасп тумани	3	9%
Боғот тумани	2	6%
Хонка тумани	9	27%
Янгиариқ тумани	3	9%
Хива тумани	3	9%
Кўшкўпир тумани	2	6%
Гурлан тумани	3	9%
Жами	33	100%



Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бачадон мезенхимал ўсмаси ҳудуддаги аҳоли сонига боғлиқ бўлмасдан, балки аҳолининг урф-одатлари, атроф-муҳит ҳолати (канцерогенез таъсири), беморларнинг шахсий гигиенаси ва гормонал ўзгаришлари каби омилларга бевосита боғлиқ, шунингдек ҳудудлардаги саноат корхоналарининг атроф-муҳитга чиқараётган зарарли чиқиндилари ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Непомнящих Л.М., Левицкий В.А., Непомнящих Г.И. и др. Патоморфологический и эндоскопический анализ крупных бронхов при раке легкого //Бюл. exper. биол. 2000;129(3):347-353.
2. Трахтенберг А.Х., Чиссов В.И. Клиническая онкопульмонология. /М., 2000; 600 с.
3. Fong K.,Biesterfeld E.,Virmani A.et al. FHIT and FRA3B 3p 14.2 allele loss are common in lung cancer and preneoplastic bronchial lesions and are associated with cancer-related FHIT cDNA splicing aberrations //Cancer. Res.1997;57:2256-2267.

Қабул қилинган сана 20.08.2024